

Бухородаги пул тизимининг даврий матбуотдаги талқини (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида)

Раҳмонов К.Ж. – БухДУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди

БХСР ҳукумати йилларида (1920-1924 йиллар) товар-пул муносабатлари, нарх-наво ҳамда ички ва ташқи савдо-сотиқни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратилганлигини тарихий далиллар исботлайди. Аввало, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни барқарорлаштириш, аҳолини маблағ билан таъминлаш мақсадида пул муомаласини мувофиқлаштириш чоралари кўрилган. 1920 йилда БХСР Марказий Инқилобий қўмитаси (МИҚ) қоғоз пуллар ва уларнинг республика ҳудудида амал қилиш тартиблари билан боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилган. “Бухоро ахбори” газетасининг 1920 йил 21 ноябрдаги 8-сонида ҳукуматнинг бу масаладаги 2 та қонуни ҳамда молия назорати бўлимининг буйруғи чоп этилган. Ҳар бири 4 банддан иборат бўлган 7- ва 8-рақамли қонунларда Бухорода аввалдан амал қилиб келаётган қоғоз оқчалари, яъни Бухоро амири томонидан 1918 йилда зарб этилган, “танга” деб аталган қоғоз пуллар ҳамда Туркистон АССР қоғоз пуллари ва 1919 йилда зарб этилган совет пуллари билан бирга муомалада бўлиши қайд қилинган¹. Бироқ қадри пасайган Туркистон Республикасидаги қоғоз пулларни 1921 йилнинг 1 январига қадар 10 сўмини 1 сўмга тенглаштириб, алмаштириш муддати ҳам белгиланган². Газета маълумотидан шундай хулосага келиш мумкинки, БХСРда пул муносабатларини мумкин қадар тез ҳал қилиш, эркин товар-пул муносабатларига ўтиш чоралари кўрилган. Лекин молия назоратининг 3-рақамли буйруғида алоҳида қайд этилганки, Бухоро амирлиги давридаги муҳрсиз қоғоз оқчаларни тезда молия

¹ Бухоро Шўролар Жумҳурияти(БШЖ) Марказий Ижроия Қўмитаси(МИҚ) тарафидан 7- ва 8- рақамли қонунлар //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

² БШЖ МИҚ тарафидан 7-рақамли қонун //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

назоратига келтирилиши ҳамда муҳри ўзгартирилмаган бу сохта пулларни савдо-сотик учун қўллаган киши эса жазога тортилиши айтилади³.

Тангашунос олим Ғ.Қурбоновнинг маълумот беришича, амирлик тартиби ағдарилган дастлабки кунларда янги ҳукумат пул танқислиги, республикадаги иқтисодий аҳволнинг оғирлиги каби омиллардан келиб чиқиб, алоҳида зарбхона ташкил қилишга имконияти бўлмаган. Шу боис Бухоро амирлигининг сўнгги йилларида муомалада бўлиб турган қоғоз оқчалар (қоғоз пуллар) йиғиб олина бошланган ҳамда пулнинг орқа томонидаги амир муҳри ўчирилиб, Бухоро Республикаси ҳукуматининг тегишли шаклдаги муҳри босилган ва муомалага чиқарилиб, улардан савдо-сотик мақсадида фойдаланилган. Бизнингча, муҳри ўзгартирилмаган қоғоз пуллар ҳукумат томонидан муҳрсиз ёки сохта пуллар деб ҳисобланган ва молия назоратига топширилиши шарт эди.

Бухоро бозорларида 1921 йилда 1920 йилга нисбатан нарх-наво 25 фоизга ошиб кетганлиги, қоғоз пулларнинг кўп миқдори айрим шахслар қўлида тўпланиб қолаётганлиги билан боғлиқ мақола ва хабарлар газеталарда танқид қилиб борилган⁴. Айниқса, бу масалада ҳукумат аъзоларидан Саид Аҳрорийнинг “Ҳаннотларга мол берилмасун”, Ҳалим Ашуровнинг “Бухоро бозорларида нарса қимматлиғи сабаблари” номли салмоқли мақолалари республикадаги иқтисодий аҳволнинг танглиги сабаблари, товар-пул муносабатларидаги муаммолар, нархларнинг ошаётганлиги омиллари билан боғлиқ масала таҳлилига бағишланган⁵.

Пул муаммоси БХСР тузуми мавжуд бўлган кейинги йилларда ҳам ҳал бўлмаган. Нарх-навонинг ошиб бориши, қоғоз пуллар инфляцияси каби жараёнлар давом этган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг 1922-1924 йилларда чоп этилган сонларида ҳам пул ислохотини амалга ошириш зарурлиги тўғрисидаги буйруқлар, эълонлар, кичик хабарлар⁶, бозорлардаги

³ Молия нозирининг 3-ракамли буйруғи //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

⁴ БХШЖнинг молия назорати тарафидан буйруқ //Бухоро ахбори. 28-сон. 1921 йил 20 март.

⁵ Бухоро ахбори. 39-сон. 1921 йил 7 июн; //Бухоро ахбори. 30-сон. 1921 йил 5 апрел.

⁶ Танга баҳоси //Бухоро ахбори. 94-сон. 1922 йил 3 август; Нукра танга зарби //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябр; Танга курси //Бухоро ахбори. 112-сон. 1922 йил 23 ноябр; 1000-2500-5000 сўмлик қоғоз оқча

қимматчилик, чайқовчиликни танқид остига олган йирик мақола ва хабарлар⁷ эълон қилиб борилган.

1922 йилнинг 1 январидан республика ҳукумати матбаа усулида қоғоз пул чиқариб, бу ҳам танга деб юритилган. Танганинг нархи 270.000 совет пули - червонецга тенглаштирилган. Бироқ мамлакатда инфляция туфайли танга курси 1922 йил апрелида 500.000 червонец, ушбу йилнинг ноябр ойига келиб, 850.000 червонецга кўтарилган. Пул ислоҳоти комиссияси томонидан 1922 йил 5 декабрдан 1000, 2500, 5000 сўмлик қоғоз оқчалар муомалага киритилган, бу пул бирлиги эса “сўм” деб аталган. Пулнинг етишмаслиги туфайли ҳукумат идораларининг масъул ходимларига сўм билан маош бериш, қолганларга эса эски пул билан 2 ҳисса ортиғи миқдоридан маош тўлаш тартиби жорий қилинган. Давлат бюджети танқислиги туфайли 1923 йилнинг 1 апрелидан бошлаб олтин ҳисоби билан ойлик бериш тўхтатилиб, барчага мавжуд пул ҳисоби билан маош тўлаш жорий қилинган. “Озод Бухоро” газетасида БХСР пуллари тезроқ червонецга алмаштириш ишларини битириш, солиқлар ва йиғимларни червонецда олиш билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Хабарлардан бирида: “Вобканд, Гиждувон, Кармана, Хатирчи, Қоракўл, Чоржўйда бўлгон пахта саройларида пул (червонец) алмаштирадигон кассалар очилгон”⁸ -деб ёзилади.

Шундай қилиб БХСР даврий матбуоти маълумотларича, ҳукуматнинг пул ислоҳоти, товар-пул муносабатларини йўлга қўйиш билан боғлиқ тадбирлари кутилган самара бермайди, оқибатда БХСР ҳукумати 1924 йил баҳоридан амалдаги барча пуллар ўрнига червонец муомаласига ўтишга мажбур бўлиб, СССР иқтисодий-валюта тизимига киритиб юборилган.

чиқармоқ тўғрисида декрет //Бухоро ахбори. 116-сон. 1922 йил 10 декабр; Марказий давлат хазинаси тарафидан умумий эълон //Бухоро ахбори. 128-сон. 1923 йил 21 январ; Олтин ҳисоби билан берилатурғон ойликларни камайтириш //Бухоро ахбори. 154-сон. 1923 йил 8 апрел; Оқча ишларидаги ўзгаришлар муносабати билан //Бухоро ахбори. 166-сон. 1923 йил 5 май; Бухоро пуллари алмаштириш. 193-сон. 1923 йил 24 август;

⁷ Амирий. Ҳаннотлар билан кураш //Озод Бухоро. 64-сон. 1924 йил 21 март; 3.Али. Бозор ханнотлари билан кураш //Озод Бухоро. 109-сон. 1924 йил 3 июл; Бухоро хабарлари. Бозор ханнотлари билан кураш //Озод Бухоро. 122-сон. 1924 йил 6 август.

⁸ Пул алмаштириш кассалари //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр.